

**ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНинг МИЛЛАТ ВА  
ЖАМИЯТ РИВОЖИДАГИ АХАМИЯТИ**

**Фируза Мухитдинова**

*ТДЮУ профессори, юридик фанлари доктори*

**Сатторова Мухаррам Абдураззоқовна**

*Тошкент юридик техникуми ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди*

**Хужанова Гулчехра Ураловна**

*филология фанлари номзоди, доцент. ТДЮУ кошидаги М.С. Восикова номидаги  
академик лицейининг Тиллар кафедраси мудири.*

Аёлларнинг сиёсий ва ҳуқуқий фаоллиги уларнинг барча соҳадаги фаолият салоҳиятини назарда тутади. Ҳам жамият, давлат ишларида иштирок этган аёлларнинг ижтимоий салоҳияти жамиятнинг ижтимоий фаоллигини оширади: ва аёлларнинг салоҳияти қанчалик юқори бўлса, бутун жамиятнинг салоҳияти шунчалик юқори бўлишини унутмаслик керак. Тарихдан маълумки, киңгина давлатлар хотин-ыизларнинг илм олиш =узыны бўйича исло=отлар бошлиган. Жумладан, XVIII аср охири - XX аср бошларида қўшма Штатларнинг аёлларни ўкув жараёнига жалб қилиш муаммоси бугунги кунгача долзарб бўлиб, тарихчилар, социологлар, демографлар ва бошқа гуманитар фанлар вакиллари ўртасида бир қатор низоларни келтириб чиқармоқда. Баъзилар бу жараёнга ижтимоий-иктисодий омиллар сезиларли таъсир кўрсатди, деб ҳисобласа, бошқалари буни миллий анъаналарнинг акс-садоси деб билади, бошқалари демократик ҳуқуқ ва қонунларнинг амалга оширилишини кўради.

Шунингдек, сиёсий –хуқуқий институтларни ўрганишда гендер жиҳатларига бўлган қизиқишининг ортиши аёлларнинг жамиятдаги ролини ўрганишни талаб этади. Буюк файласуф ва олимлар ҳам аёллар ва уларнинг ижтимоий мавқеи ҳақида кўплаб фикрларни билдирганлар. Хусусан, Афлотуннинг аёлларга муносабати ижобий қарашларни намоён қиласди: у тасвирлаган мукаммал давлатда аёл киши эркак билан бир қаторда барча ишларда иштирок этиши мумкин. Афлотун аёлларни рўзгор юмушларидан озод этиш лозимлигини таъкидлаб, уларнинг ақлий фаолиятини эркакларники билан teng деб баҳолаган. (Аёллар файласуф ва жангчи ҳам бўлишлари мумкин, деган ғояси бугунги кунда гендер тенглигининг тарихий - назарий асоси, десак, муболаға бўлмайди. Фарзанд тарбиясини эса иккала жинс вакилларига тенг бўлган масъулиятдир. Шарқ мутафаккирлари таълимотида иффат, нафосат, садоқат ва андиша каби инсоний фазилатлар кўпроқ аёллар номи билан боғлиқ ҳолда улуғланган. Аёлнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида сўз борганда, ана шу фазилатлар алоҳида маъно касб этган. Ислом таълимотида аёлларга нисбатан бағрикенглик ғоялари мавжуд бўлиб, хотин-қизларни эъзозлаш ва хурмат-эҳтиром кўрсатишга алоҳида эътибор берилган. Ризоуддин ибн Фахриддин ўзининг “Оила” асарида аёлнинг мавқеини қуидагича изоҳлайди: “Хотин факирликка қарши бир ажрдир,

ватани, уйи, истеҳкоми тиришқоқлик фани, ҳарбий идора, қуроли игна билан қайчи дерлар. Лекин ёлгиз аскаргина эмас, балки бунинг устига келишув қозиси, тарбиячи, насиҳатгўй ҳамдир. Буюк аждодларимиз, миллатимиз тарихидан маълумки, ўзбек аёли, ўзбек оналари нафақат ўз элимиз, балки дунё ҳамжамияти, умумбашарият тараққиётига улкан ҳиссасини қўшган машҳур ўғлонлари – жасур, ботир Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби саркардалари, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолик Фиждувоний, ҳазрат Хўжа Аҳрор Вали каби азиз авлиёлари, жаҳонни турли жабхаларда лол қолдирган олимлари – Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Имом Ал Бухорий, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Мирзо Улугбек, адиблари – Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Умар Ҳайём, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек сингари инсонлар билан машҳурдирлар. Уларни шу даражада маънан етук этиб тарбиялаган аёлларку.

Жумладан имом Бухорийнинг улуғ аллома бўлиб етишишида отасининг тақвоси-ю онасининг ихлос ила қилган дуо-ибодатларининг жуда катта ўрни бор. Шу ўринда Имом Бухорийнинг онаси тимсолида буюк жасорат ҳамда бошқа аёлларга юксак намуна бўладиган улкан бир матонат намоён бўлади. Ҳам турмуш ўртоғидан айрилган, ҳам фарзандига етган бундай мусибатдан ёш Муҳаммаднинг онаси ўзини йўқотиб қўймади. Аксинча, кундуzlари ўғлининг таълим-тарбияси билан шуғулланиб, уни илм олишга рағбатлантирар, тунларини ибодат билан бедор ўтказиб, Яратгандан ўғлининг кўз нурини қайтаришни тинмай илтижо қилиб сўрар эди.

Дарҳақиқат, ота-боболаримиз “Ота-она фарзанд учун энг биринчи ва олий мадрасадир,” деб тўғри айтган. Оқила аёлнинг тарбияси билан, кўзи ожиз бўлишига қарамасдан, ёш Муҳаммаднинг илмга, айниқса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳадисларини ёд олишга рағбати кундан-кун ошиб боргани тарихий ҳақиқат. Темурий маликалар орасида энг буюк сиймолардан бири Гавҳаршодбегим, 1379 йилда ўз даврининг йирик амирларидан Фиёсиддин тархон хонадонида туғилган. Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ Мирзонинг завжаси бўлган. Мирзо Улугбекнинг онаси ўз даврининг билимдони ва маърифатпарвари бўлган. 2003 йилда Кобулда очилган аёллар университетига Гавҳаршод бегим номи берилган. Кутлуг Нигор хоним 1459 йилда Тошкент хони Юнусхоннинг хонадонида туғилган. Тарихий манбаларга кўра, Бобурнинг онаси ўқимишли ва оқила аёл бўлган. Бобурга ҳокимиятни бошқариш ишларида фаол кўмак берган, ҳарбий юришларида унга ҳамроҳлик қилган. Сароймулхонимнинг Амир Темурга ҳар томонлама давлат ишларини бошқаришда, фарзандлар, темурийзодалар тарбиясидаги кўмаги ўзбек аёлининг фахри ва ғуруридир. Ҳатто оналаримизнинг донолигини Мирзо Улугбекнинг сўзларидан: яъни "Онамнинг исми-ю кўзларигина гавҳар эмас, балки ақли ҳам гавҳар эди", - деганидан англасак бўлади.. Мирзо Улугбекнинг фидойилиги ҳақида сўз кетганда, бевосита уни илм аҳлига ҳадя этган волидаи муҳтарамаси Гавҳаршодбегимнинг ёрқин сиймоси кўз олдимизга келади. У темурийлар сулоласида ёрқин юлдуз, шоҳлар ичидан чиққан буюк олим, бунёдкор инсон Мирзо Улугбекнинг

онаси Гавҳаршодбегим бўлиб, ўзининг донолиги, тадбиркорлиги, бунёдкорлиги билан тарихга ўз номини муҳрлаган маликалардан бири. Айниқса, Гавҳаршодбегим ўз ақл-идроқи, тадбиркорлиги, ҳусну латофати билан Шоҳруҳ Мирзонинг ишончини қозонган. Айрим пайтларда у девон ва салтанатни бошқаришда Гавҳаршодбегимнинг маслаҳатига таянган. Ҳатто, девон ишларини бошқариш, лавозимга тайинлаш, инъом бериш, айборларни жазолаш хуқуқига ҳам эга бўлган.

Тарихчи олим Амриддин Бердимуродов ўзининг "Самарқанд тарихидан томчилар" номли мақолалар тўпламида Гавҳаршодбегимнинг ҳатто шахсий муҳрга эга бўлганлигини айтиб ўтадики, бу маликанинг айрим давлат ишларида ўзи шахсий қарор қабул қилиб, унинг ижросини кузатганини, тасдиқлаганини кўрсатади. У тўқ яшил моҳтобдан, тўқ яшил рангда, (нефритдан) бодомсимон шаклда ясалган бўлиб, сиртига сулс ёзувида арабча хат билан "Гавҳаршодбегим Ғиёсиддин Тархоннинг қизи", деб ёзилган. Маликанинг бу муҳри бугунги кунгача етиб келган у жуда катта сиёсий кучга эга бўлиб, тош ўймакорлигининг гўзал намунасиdir. Бу ноёб ёдгорлик сифатида ҳозирда Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейида СА-13650 рақами остида сакланади. Муҳр тахминан 1457 йилларда ишланган.

Манбаларда берилган маълумотларга кўра, Гавҳаршодбегимнинг тўнгич фарзанди Мирзо Улуғбекнинг тарбияси гўдаклигига ёқ Самарқандга келтириб Бибихонимга топширилган. Малика ўғлини кўриш учун Самарқандга келиб турган. Маликанинг навбатдаги ташрифи 1420 йилга тўғри келади. Бу санада Мирзо Улуғбек ўзи барпо этган мадрасайи олияни қуриб битказган бўлиб, ўз фаолиятини бошлаган эди. Ҳиротдаги Гавҳаршодбегим мадрасаси унинг вафотидан сўнг ўз даври учун ҳам, кейинги даврлар учун ҳам турли мутахассислар тайёрловчи илм-маърифат маркази сифатида фаолият олиб борган.

Бу аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий фаоллаигининг тарихий маълумотидан бир қисса, холос. Эсондавлатбекимнинг навераси Захириддин Бобур тарбиясида тутган ўрни таҳсинга сазовордир. Мағрур, жасур ва доно Тўмарис, Бибихоним, Нодирабегим, Увайсийлар номлари нафақат биз учун, балки илғор фикрли дунё аҳли учун ҳам илиқ ва улуғ эканини ҳаммамиз яхши биламиз. XIX аср охири ва XX аср бошларининг етакчи маърифатпарварлари М. Беҳбудий, А. Фитрат, А. Авлоний хотин қизларнинг жамиятдаги ўрни борасида кенг фикрлар билдирилар. Масалан, Фитрат — Оила асарида шундай фикрлар бор: “Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги миллий озодлик, эрк учун зарур: аёллар фақат уй-рӯзғор, бола тарбияси билан банд қолмаслиги керак, - деганди. Жадидчилик раҳбарлари М. Беҳбудий, А. Фитрат, Ф. Хўжаев, А. Чўлпон, А. Авлоний каби тараққийпарварлар хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ниҳоятда юқори баҳолаб, уларни ижтимоий озодликка чиқариш зарурлигини таъкидлаган эдилар. Уларнинг фикрича, жамиятни ўзгартириш маънавий ва маданий-маиший ҳаётнинг тубдан ислоҳ қилишдан бошланиши керак. Яъни, хотин-қизларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари сифатида қабул қиласдан, оила масаласини тўғри ҳал қиласдан, ёш авлодни тўғри йўлда

тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас, охир оқибатда миллат тақдири унинг аёллари ва оиласининг ҳолатига боғлиқдир.

Янги даврда ҳуқуқшунослик илмини ривожлантирган олимма Хадича Сулаймонова ҳукуқ фанлари доктори, Ўзбекистон ССР адлия вазири ва ўзбек тилидаги жиноят ҳуқуқи бўйича илк дарсликнинг муаллифи бўлган. 1958 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳукуқ институтини, 1959 йилда республика Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд экспертизаси илмий текшириш институтини ташкил этиш ташаббускорларидан бўлган олимма.

Шунингдек, Восиқова Мамлакат Собировна – ҳуқуқшунос олимма юридик фанлари доктори, профессор ҳамда жамоат арбоби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист. Ўзбекистан Адлия вазирининг ўринbosари, Ўзбекистан Олий Суди раисининг ўринbosари, Ўзбекистон Олий Кенгаши Президиумида юридик бўлим мудири, Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги юридик комиссия раиси ҳамда 1970—84 йилларда Ўзбекистон Адлия вазири бўлган. Унинг бевосита иштироки ва раҳбарлигига кўп жилдли қонунлар тўплами ва қонунлар мажмуаси ҳамда ўзбек тилида фуқаролик, жиноят, жиноят-процессуал, никоҳ ва оила кодексларига шархлар тайёрланиб нашр этилгани диққатга сазовордир.

Бугунги кунда аёлларга эътибор ҳар даврдан ҳам ўзгачадир. Ижтимоий ҳимоя масалаларида ҳам, илм-фан ривожтида ҳам, сиёсий жараёнларда ҳам хотин-қизларимиз давлатимиз томонидан фаол иштирок этишлари учун барча шарот-шароитлар яратилганиadolatnинг тантанасидир.

Аёллар ижтимоий фаоллигининг тарихий ривожини таҳлил этадиган бўлсак, сиёсатдаги аёллар масалалари биринчи бўлиб ўрта аср Франциянинг машхур ёзувчisi Кристина де Пизан (1364-1430) ижтимоий сиёсий ғояларида ишлаб чиқилган. Кристинанинг ўтмишдаги антифеминистик ёзувчилар билан тахлилларида инсоният тарихида аёллар ижобий рол ўйнаганлиги ва илм-фанни ўрганиш қобилиятларини намойиш этганлиги қайд этилган. Шундай қилиб, муаллифнинг ғояси нафақат аёлларни маънавий қўллаб-қувватлашга, балки аёлларнинг ижтимоий ва ахлоқий тарбиясининг кучайтириш зарурлигини асослашга қаратилган. Бу ерда ёзувчи ўзининг қисқа ҳикояларида оилавий муносабатлар ва оилавий мажбуриятларни батафсил таҳлил қилиб, яхши аёл тақдири нима эканлигига эътиборини қаратган. Ёзувчи жамиятда хотин-қизлар учун хайрли ишлар тизимини 1402 йилда ёзган «Билимнинг яхши усули ҳақидаги китоб”ида келтирган. Илмий таҳлил қилиш учун ёзувчининг ўз-ўзини тарбиялашнинг шахсий тажрибаси ҳақидаги ҳикоялари ўта қимматли бўлиб, унда хотин-қизлар фаоллигини оширишда тарихни ўрганиш ҳамма учун фойдали эканлиги тушунтирилгани диққатга сазовордир.

Афра Бенн ва Мэри Эстелл феминистик назариётчи олимлар ҳисобланади, чунки уларнинг саъй-харакатлари туфайли аёлларнинг сиёсий хаётдаги иштироки муаммоси кўтарилиган.

Англияда XVII аср инқилоби аёллар муаммосини олдинга олиб чиқди нафақат аёллар ижтимоӣ ҳуқуқлари, уларнинг таълим олишига катта эътийбор берилган. Англиядаги феминистлар Батсуа Мейкин, Афра Бен, Ханна Вуллей, Мэри Эстелл каби аёллар қоида тариқасида, ким яхши таълим олган бўлса, ўшалар ҳаётда, жамиятда ўз ўрнини топиш учун ўқитувчи бўлишган, қизлар фаоллигини оширишга қаратилган китоблар, шеърлар, маколалар ва рисолалар қўлланмалар ёзиб. аксарияти қизлар учун мактаблар очган. Қувонарли жиҳати аёллар мактабининг сони XVII охирида Англия бўйлаб сезиларли даражада ўсганди Умуман таълимни ислоҳ қилиш бўйича турли лойиҳаларни илгари сурган кўплаб илғор онглар ва хусусан аёллар, шунингдек эркаклар ва аёллар тенглиги тўғрисида кўплаб рисолалар нашр этилган. Ушбу муаллифларнинг аксарияти аёллар бўлишган.

Маърифатпарвар олимлардан Жон Локк, Томасс Гоббс, Шарль Луи Монтеске аёлларнинг давлат ва оила институтидаги ролини кўриб чиқишиган. Франсуа Волтер, Дидро маърифатпарварларнинг мафкуравий қараашларида жамоавий онгнинг шахс устидан устунлигини эътироф этилган. Фуқаролик жамиятини қуришда аёлларнинг фаоллигини тарғиб этган Гегель ўз даврининг етакчи ғоясини илгари сурган.

Бугунги кунда жамиятда аёлнинг ўрнига, унинг бунёдкорлик фаолиятига кўпчилик мамлакатларда алоҳида аҳамият берилади. Умуман, олганда, аёл ҳамма давлатларда ҳам улуғланиб келинган. Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб БМТнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини тасдиқловчи ва уларни ҳимоя қилиш бўйича давлатларнинг ҳаракат режасини белгиловчи аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциясига қўшилди. Худди шу вазифа "тенглик, тараққиёт, тинчлик учун ҳаракат"шиори остида ўтказилган тўртинчи Жаҳон аёллар конференциясида (Хитой, Pekin, 1995 йил сентябр) асосий вазифалардан бири сифатида шакллантирилди. Хотин-қизлар ҳуқуқларини тушунишда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормалари жамиятимиз ҳуқуқий тизимининг ажралмас қисми еканлиги мухим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан Президентнинг сўнгги Фармонини таъкидлаш лозим. Бу борада Ўзбекистонда ҳам хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқенини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу борада халқаро ҳуқуқий нормаларга таянган ҳолда, аёлларимизнинг жамиятда сиёсий фаоллигини шириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Жумладан, IV Бутунжаҳон конференцияда 1975 йилни – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Ассамблеяси томонидан Халқаро хотин-қизлар йили деб эълон қилиниб, хотин-қизлар аҳволини яхшилаш бўйича жараённи тезлаштиришига мўлжалланган эди. Зоро, БМТ эълон қилган, Хотин-қизлар ўн йиллиги (1976-1986) хотин-қизлар аҳволи ва ҳуқуқларини тадқиқ этиш ва бу

борада қарорлар қабул қилишда бутун жаҳонда ибратга айланиши лозим эди. Аёллар муаммосига тааллукли камчиликларни жаҳон миқёсида умунижтимоий ҳодиса эканлигининг эътироф этилиши ҳамда бу камчиликларни изчиллик билан бартараф этиб боришга ҳаракат қилиниши, аёлларнинг ижтимоий ҳаётга аралашуви, уларнинг жамиятдаги мавқеини оширди. Аёлларга турли хилдаги фаолият майдонини яратиб берди. Улар қисман моддий қарамлиқдан қутулиб, ўз истедод ва қобилиятларини тўла намоён этиш имкониятига эга бўлишди. Бу жараён деярли барча мамлакатларнинг аёллар бўйича олиб бораётган сиёсатини, уларга муносабатини ўзгартиришига олиб келди.

Жумладан, аёлларнинг ижтимоий ва моддий аҳволини янада яхшилаш, уларнинг оила ва жамиятдаги ролини кучайтириш, аёлларнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ, қилишда, давлат ва жамият қурилишида фаол иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида, шунингдек кишилар онгида ва жамиятимиз ҳаётида юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, мамлакатда хотин-қизларнинг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлиғини сақлаш, касбга ўқитиши ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни тизимли давом эттириш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7.03.2022 йилдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тӯғрисида” Фармони қабул қилинганлиги бунинг ёрқин ифодасидир. Ушбу Фармонни қабул қилишдан асосий мақсад хотин-қизларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, салоҳиятини тўла намоён этиши, оиласардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қиласди. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ҳам аёлларга муносиб шароит яратиш, уларнинг ташабbusларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор йўналишлар белгиланганлиги, аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб хусусий секторда расмий ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик нафақасини давлат томонидан тўлаш тизимини йўлга кўйилиши маълум қилинди. Бунинг учун эса, жорий йилда бюджетдан 200 миллиард сўм, 2023 йилда эса 1 триллион 700 миллиард сўм маблағ ажратилгани дикқатга сазовордир. Шунингдек, давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловларини қайтариш шартисиз қоплаш мақсадида, Давлат бюджетидан ҳар йили камида 200 млрд сўм молиялаштирилгани минглаб хотин-қизларимиз учун яратилган имконият ва қулайликдир.

Хорижий олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим дастурлари бўйича – 50 нафар, магистратура таълим дастурлари бўйича – 10 нафар хотин-қизларга ҳар йили “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали қўшимча грантларнинг ажратилгани Ўзбекистоннинг хотин-қизлар фаоллигини оширишдаги хорижий хамкорликнинг амалий ифодаси бўлса, ҳар йили 2 100 нафар ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамогидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим контрактлари маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қайтариш шартисиз қоплаб берилиши миллат ғурури, эртаси учун яратилган мустаҳкам пойдевордир.

Эътибор беринг-а, мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган 500 нафар хотин-қизларни ҳар йили давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига умумий қабул параметрларидан ташқари алоҳида тест синовлари натижаларига мувофиқ тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилиниши Ўзбекистоннинг давлат сиёсатининг бош мақсади бўлиб, давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари докторантурасига хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратиши эса, Учинчи Ренессанс учун хақиқий замин бўлмоқда. Хотин –қизларнинг ижтимолий-иктисодий фаоллиги учун яратилган имкониятлардан яна бири бу 2022 йил 1 июндан бошлаб давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида хотин-қизларни касбга ўқитишнинг янги тартиби жорий этилгани бўлди. Бунда:

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказлари ҳузурида малакани баҳолаш марказлари ташкил этилиб, малакани баҳолаш марказлари касбий малака талабларини ишлаб чиқсан ҳолда таълим муассасаларига давлат буюртмасини бериши, ўқув курсларини тугатган хотин-қизлар билими даражаси малакани баҳолаш марказлари томонидан аникланиб, уларга малака сертификатларини берилиши катта имконият бўлди.

Албатта, малака сертификатини олган хотин-қизларга меҳнат фаолиятини бошлиши учун малакани баҳолаш марказлари томонидан субсидиялар олишмокда.

Шунингдек, малакани баҳолаш марказлари томонидан умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар мактаблари, академик лицей ва коллежларнинг битирувчи синф ўқувчи-қизларини ахборот технологиялари йўналишларида қўшимча курсларда ўқитиш бўйича давлат буюртмаси берилиши ҳам барча чекка ҳудудлардаги хотин-қизларимизга бўлган эътиборнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Бу эса, бугунги кунда минг афсуски, оилада ва жамиятда зўравонликка учраб келаётган хотин-қизларнинг кўпчилиги, ҳаётда ўз касбига эга бўлмаган, ўқимаган аёллар бўлиб қолмоқда. Эндиликда, ўқиб таълим олиш ҳамда ўзи қизиқкан соҳанинг етук мутахассиси бўлишни истаган ҳар бир хотин-қиз таълим олиб ўз келажагини қуриш имкониятига эга бўлади.

Қувонарли жиҳати, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб меҳнат ресурслари зич бўлган кишлоқ жойларининг реестри жорий этилган бўлиб, 2022 йил 1 сентябрдан 2025 йил 1 январга қадар Реестрга киритилган худудлардаги умумий ходимлари сони камида 10 нафар бўлган ва уларда ишловчи хотин-қизларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50%ини ташкил этадиган кичик тадбиркорлик субъектларига:

- юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиги 50% имтиёз қўллаган ҳолда ҳисобланниб;
- уларда ишловчи хотин-қизлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига ижтимоий солик 1%лик ставкада ҳисобланган ҳолда;
- бюджет ташкилотларига йиллик умумий қиймати БХМнинг 750 бараваригача бўлган маҳсулотларини тўғридан-тўғри сотиш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб, тадбиркорлик фаолиятини янги бошлаётган тадбиркор хотин-қизларга ажратилаётган субсидия миқдори 7 млн сўмдан 10 млн сўмга оширилган бўлса; "Хунарманд" уюшмаси қошидаги хунармандчилик марказларида камида 40% тадбиркор хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жойлаштирилмоқда.

Шунингдек, бўлғуси оналаримизнинг билимли ва дунёқарashi кенг шахс сифатида тарбияланиши, буюк тарихга эга бўлган халқнинг келажагини, эртасини белгилайди. Маълумки, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган "Тараққиёт мақсадларидағи фан, техника ва инновациялар" тўғрисидаги резолюцияда 2015 йилдан буён 11 февраль – Халқаро илм-фан соҳасидаги хотин-қизлар куни деб эълон қилинган. Бу кун шунингдек, аёл-қизлар илмий-техник ҳамжамиятларда ҳал қилувчи ва муҳим ўринга эга эканликлари ва уларни тақдирлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лозимлигини эслатиш ҳамdir. Ушбу сананинг нишонлаш тадбирлари дунё бўйлаб ЮНЕСКО томонидан амалга оширилади. ЮНЕСКО маълумотларга кўра, араб давлатларида аниқ фанлар бўйича хотин-қизларнинг таълим олиши соҳасидаги ҳолат анча яхши эканига эътибор қаратилган. Масалан, Жазоирда техника олий ўкув юртлари ва факультетлари битирувчиларининг 48,5 фоизи хотин-қизлардир. Бу борадаги кўрсаткич Марокашда – 42,2 фоиз, Ўмонда – 43,2 фоиз, Суриядаги – 43,9 фоиз ва Тунисда – 44,2 фоиздан иборат экани ҳам дикқатга лойик.

Лотин Америкаси мінтақасида эса муҳандислик билан боғлиқ ихтисосликларни танлаган талаба қизлар кўпчиликни ташкил этади. Лекин йирик технология компанияларидағи раҳбарлар таркибида ҳали ҳам эркаклар миқдори кўп. ЮНЕСКО илм-фан соҳасида хотин-қизларнинг ўрнига доир салбий қарашларга қарши фаол курашмоқда. Жумладан, олималарга нуфузли мукофотлар тақдим этмоқда.

Шундай мукофотлардан бири – "Илм-фан соҳасидаги хотин-қизларга" деб номланади. Мазкур мукофот Л'Ореал-ЮНЕСКО Дастури томонидан таъсис этилган. Мукофот француз косметика L'Oréal компанияси ва ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик

асосида бўлиб, ҳар бир лауреат учун 100 000 Ақш доллари миқдоридаги грант ажратилган. Шу тариқа ЮНЕСКО 23 йилдан буён олималарга турли мукофотлар топшириш ва тадқиқотчи қизлар учун стипендиялар тақдим этиш билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Жумладан, мукофотни олганлар орасида хитойлик невролог Хайлан Ху, испаниялик эмбриолог Анджела Ньето, АҚШдан биотиббиёт муҳандиси Кристи Ансет ва аргентиналик математик Алисия Дикенштейн каби олималар шунингдек, 2022 йилда Руандада тиббиёт илмидаги ҳиссаси учун Агнес Бинагвао – руандалик педиатр, олимага ҳам берилгани таҳсинга сазовор, Яна бир маълумот аёл тадбиркорлар томонидан яратилган лойихаларга сармоя киритадиган “BOLD Female Founder” саёл таъсисчилар фонди яратилган ҳамда мазкур фонд ал-тадбиркорларга 25 миллион евро ажратган.

Бизнинг фикримизча, Аёллар маданияти” тушунчасини ҳам илмий, ҳам амалий жихатдан кенг тарғиб этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки айнан ушбу тушунча ҳар бир аёлнинг тақдирини ўзгартиришга муҳим аҳамият касб этади, биринчидан, аёлларнинг ўзини ўзи англаши ва жамиятдаги ўрнини, даражасини белгилайди.

Иккинчидан, аёлни ижтимоий ҳуқуқини оширигҳш билан бирга уй бекаси мақомини тадбиркорлик, илм, маърифат онаси сифатида кўтарилишига хизмат қиласи.

Учинчидан, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий бирлашмаларга бўлган ҳуқуқини таъминлаш ва уларнинг сиёсий фаолиятда иштирокини рағбатлантиради. Дипломант аёллар, стюардесса каби янги иш ўринларига талаб ортади.

Қайд этилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа муаммоларни ҳал килишининг мақбул механизмларини шакллантириш учун ҳар бир вилоят, шаҳар, тумандаги холатлар тизимли таҳлил этилади. Ўтмишда ва яйни пайтда айрим худудларда сақланиб келаётган аёлларга бўлган таъқиқ ва тазиёкни йўқ қилиш, уни боскичма-боскич изчил бартараф этишга эриши лозим.

Сўзим якунида шуни айтгим келдики, 2022 йилдаги 8 авгуустдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оқила аёллар” ҳаракати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 437-сон қарорига қўра, бугун республикамизда янги ҳаракат ҳалқимиз, айниқса, хотин-қизларимизни ҳар томонлама кўллаб-қувватламоқда. Аёллар, айниқса, ёш қизларда оиласа ва Ватанга садоқат, фидойилик, ташаббускорлик туйғуларини сингдириш, «одобли қиз» ва «маърифатли она» қиёфасини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошироқда. Унутмаслик керакки, аёллар салоҳияти, агар тўғри йўлга қўйилса, фақат жамиятнинг ривожланишига олиб келади.

Бугун аёлларимизга бўлган эътибор ва яратилган ҳуқуқий асослар Ўзбекистон ўз олдига мақсад қилган Учинчи Ренессанс пойdevorини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, президент мактаблари, Темурбеклар мактаби, 10 мингдан ортиқ мактабларда илм олаётган фарзандларимиз эртанги кунимизнинг эгалари бўлган

# **PEDAGOG RESPUBLIKA ILMIY JURNALI**

**6 –TOM 2 – SON / 2023 - YIL / 15 - FEVRAL**

ёшларни ҳар томонлама етук бўлиб тарбияланишида маърифатли оналаримизнинг  
муҳим ўрин тутади.